



Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



[www.zarnews.uz](http://www.zarnews.uz) <https://www.facebook.com/zarnews.uz> [@zarnews\\_uz](https://twitter.com/zarnews_uz) [https://twitter.com/zarnews\\_uz](https://twitter.com/zarnews_uz)

31

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

### САМАРҚАНД – БУГУН



#### Тадбиркорлар муаммосига ечим изланди

Ўтган йилнинг 20 августида давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан иш очиқ мулоқоти ўтказилганди ва бу сана юртимизда тадбиркорлар куни сифатида белгиланганди. Учрашувда тадбиркорлар фаолиятида учраётган муаммолар, соҳа ривожидаги камчиликлар билдирилиб, бир қатор ижобий ўзгаришлар кузатилганди. Жорий йилда ҳам мазкур анъана асносида Президентимизнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти ўтказилади.

Навбатдаги учрашув олдидан тадбиркорларнинг савол ва мурожаатларини қабул килиш учун ташкил этилган штаб ҳамда Call-марказга буғунча республика бўйича 7200 дан ортик, вилоятдан 736 та муронон тушган.

Президентимиз жорий йилнинг 3 августида тадбиркорлар билан мулокотга тайёргарликнинг бориши бўйича ўтказган йигилишида берилган топширикларга асосан туман, шахар ва вилоятларда хоким, вазирлар иштирокида тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилади.

Шундай учрашув Булунгур туманида бўлиб ўтди. Туман хокимлигига ўтказилган учрашув вилоят хокимининг ўринбосари Ойбек Мирзабеков, туман хокими Самандар Астонов ва бошقا масъуллар тадбиркорлар фаолиятидаги тўсиклар, уларни кийнатган масалаларни ўрганди. Кабуда тадбиркорлар тоғондан имтиёзли банк кредити, ер ва бино ажратиш,

солиқ маъмурчилиги ҳамда инфратузилма масалаларида мурожаатлар бўлди. Жумладан, "Bulung'ur fruits" кўшма корхонаси айланмана маблағ учун 500 минг доллар кредит олиш, "Paradaise Gold" МЧЖ банк кредитининг тўланган қисмига мос равишда гаровга кўйилган корхонага тегишил ер майдонини тақиқдан чиқариш ва ундан фаол фойдаланиши, "Metin business fruits" МЧЖ солиқ маъмурчилиги борасида муммалорга дуч келаётгани билдири.

Учрашувда тадбиркорлар томонидан 18 та мурожаат ва 1 та тақлид билдириди. Ҳар бир мурожаат шу жойнинг ўзида соҳа мутахассислари иштироқида ўрганилиб, ихроси юзасидан вазифалар белгиланди. Туман, вилоят даражасидаги мурожаатлар ихроси нозоратга олинди, республика даражасидаги масалалар рўйхати шакллантирилди.

**Булунгур туманини хокимлиги ахборот хизмати.**

Самарқанд шаҳрида қарийб иккى ойдан бўён шаҳарнинг марказий кўчаларида кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш, йўл қуриш ишларининг сўнгги босқичи давом этмоқда.

Хозиргача шаҳар ичидаги 70 километр автомобиль йўллари таъмирланди. Йўл ёқаларини кўкаламзорашибтириш мақсадида 54 минг донадан ортиқ манзарали дарахт ва буталар экилди. Шунингдек, Бўстонсарай, Рудакий, Садриддин Айнӣ, Регистон, Панхакент кўчаларида тўлиқ асфальт ёқизилиб, "Баҳор гуллари" МЧЖ ишчилари томонидан йўл ёқаларига анивой гуллар экилид. Наманганд шаҳридан келтирилган 20 минг тупдан зиёд гул кўчатлари Университет хиёбони, Регистон майдони, Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат бояги атрофига экилид.

- Шаҳарнинг Сўзандарон, Гулобод, Мирзо Улуғбек кўчаларида, шунингдек, Спита-

мен шоҳкӯчаси, Шоҳи Зинда кўчаларига асфальт ёқизиш ишлари якунланди, - дейди вилоят автомобиль йўллари бошқармаси ўринбосари Акбар Мирзаев. - Шаҳар бўйлаб 180 километр пиёдалар ва велосипед йўлакчалари қурилиб, қарийб 3 минг донага яқин тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Шунингдек, янги лойиха асосида қурилган Уста Умар Жўракулов кўчаси оркали узунлиги 670 погонометр замонавий монолит темирбетон йўл ўтказгич, Имом Бухорий мажмусига олиб борувчи автомобиль йўлида, Оқдарё дарёси устида узунлиги 130 погонометр бўлган янги кўпrik қурилди.

Айни вақтда яна 30 километрга яқин автомобиль йўлларида инфратузилмани яхшилаш ишлари амалга оширилмоқда.

**Дилмурод ТЎХТАЕВ,  
Фазлиддин РЎЗИБОЕВ (сурат).**

### ҲОКИМЛИККА БИЛИМЛИ ВА ҲАЛОЛ ҚАДРЛАР ТАНЛАНАДИ

Ўтган ҳафта Президент Шавкат Мирзиёев раислигига давлат хизматини ислоҳ қилиш ва бошқарувда натижадорликни ошириш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилишда давлат хизматини ҳалкни рози қиласиган тизимга айлантириш, раҳбарларни тайёрлаш ва танлаш, доимий равишда уларнинг малакасини ошириб бориши юзасидан вазифалар белгиланди. Давлат идораларида ишга қабул килишининг очиқ-ошкора тизими жорий этилиши, тажриба тарикасида Самарқанд вилояти ва давлат солиқ кўмитасида синовдан ўтказилган мазкур тизим ижобий натижага бергани таъкидланди. Йўл якуннагача барча вакант лавозимлар очиқ ягона электрон платформага жойлаштирилиши, номзоднинг билими, тажрибаси ва салоҳияти очиқ танлов орқали аниқланниши қайд этилди.



(Давоми 2-саҳифада) >>>

### ТАЙИНЛОВ

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 6 июлдаги "2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" ги фармонда инновацион ривожланиш масалаларида 28 туман ва шаҳарда, жумладан, Ургут ва Нурабод туманларида ҳокимнинг инновацион ривожланиш масалалари бўйича ўринбосари лавозимини жорий қилиш белгиланганди.



Нурабод туманининг инновацион ривожланиш масалалари бўйича ўринбосари лавозимига эса Шерхолов Самариддин Исқандаровиҷ тайинланди.

С.Шерхолов мазкур тайинловга қадар Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожланиш агентлигининг вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари лавозимида фойлият орбитган.

8 августдан республикамизда олий таълим мусассасалари ўчишга кириш истагида бўлганabituriyentlar учун тест синовлари бошланди. Вилоятимизда бешта очиқ майдонда 5460 ўринга мўлжалланган жойлар тайёрланди. Тест синовлари иккى навбатда олинишини ҳисобга олсан, бир кунда 10920 нафарabituriyent имтиҳон топширади.

### Тест синовлари бошланди

Биринчи навбат имтиҳонлари соат 07:00дан 10:00 гача, иккинчи навбат 19:00дан 22:00 га қадар давом этади.abituriyentlar имтиҳон худудига тест синови бошланшидан 1 соат олдин паспорт (ID-карта) ваabituriyent тест синовларида қатнашиши керак эди. Аммо 503 нафарabituriyent турли сабабларга кўра имтиҳон келмаган.

Давлат тест маркази вилоят бўлимининг хабарига кўра, вилоятда 108978abituriyent олий таълим мусассасалари кириш учун хужжат топширган. Кеча имтиҳоннинг илк куни биринчи навбатда 5460 нафарabituriyent тест синовларида қатнашиши керак эди. Аммо 503 нафарabituriyent турли сабабларга кўра имтиҳон келмаган.

Шунингдек, иккى нафарabituriyent борвонинг ўрнига киришга уринганни, бир нафари имтиҳонда тақциклиган воситадан фойдаланганни сабабли тест синовларидан четлтилган.

Вилоятда олий таълим мусассасалари кириш тест синовлари 10 кун, яъни 18 августга қадар давом этади.

### ШАҲАРГА ЎХШАЁТГАН КИШЛОҚЛАР



2022 йил 18 марта давлатимиз раҳбарининг "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарори қабул қилинган. Қарорга асосан, қишлоқ аҳоли пунктларининг меморий қиёфасини тубдан янгилаш, худудларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа обьектларини барпо этиш ҳамда шу асосда аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш мақсад қилинган. Бу борада Паст Дарғом туманида Туркман ва Янгисаноат маҳаллалари танлаб олиниб, режадаги ишлар амалга оширилмоқда.

Дастур асосида маҳаллаларнинг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш максадида республика маҳаллий бюджетдан 23 миллиард 945 миллион сўм маблағ ажратилди.

Жумладан, Туркман маҳалласидаги 35-сонли умумталим мактабини таъмирлаш ва реконструкция қилиш учун умумий киймати 2 миллиард 240 миллион сўм йўналтирилади. Янгисаноат маҳалласидаги 40-мактабгача таъ-

лим ташкилотини таъмирлаш ва реконструкция қилишига 1,5 миллиард сўм ажратилди.

8 миллиард 265 миллион сўм маблағ хисобдан маҳаллалардаги 15 километр йўлни бетон, асфальт ва шағал қилиш ишлари олиб борилмоқда. 5,5 миллиард сўмлик лойиҳалар хисобига маҳаллаларни янги сув иншоти куриш ва мавжудларни таъмирлаш, 22 километр сув тармоғи тортиси ишлари давом этмоқда.

Электр таъминотини яхшилаш, газ тармоқлари, тақсимлаш пункктларни таъмирлаш, пиёдалар йўлаги куриш, тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш, чиқинди ташлаш жойлари куриш, мевали ва манзарали дарахт кўчалтлари экиши ишлари хам дастур бўйича бажарилмоқда.

Янгисаноат маҳалласидаги "Амирбек монтах-куриши" масъулияти чекланган жамияти ишчилари худудда 12 километр ичимлик суви тортиш ишларини олиб бормоқда.

- Хозиргача битта сув ишнооти таъмирланди, тармоғ тортиси ишлари ҳам якуннага етмоқда, - дейди жамият иш юритувчиси Азизбек Холиқуллов. - Бунинг учун республика бюджетидан 2,5 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Маҳалладаги эски симёғочлар бетон устунларга алмаштирилган. Аҳоли табиий газ билан таъминланганилиги боис машайх газ баллонга этиёж ўйқ. Ичкى кўчаларда ичимлик суви тармоғи тортиси ишлари якунлангач, йўлларни

асфальтлаш ишларига киришилади.

- Маҳалламизда 3100 дан ортиқ аҳоли истиқомат килилади ва улар асосан чорвачилари билан шуғулланади, - дейди "Янгисаноат" маҳалла фуқаролар йигини раиси Ильхон Бекларов.

- Дастур асосида маҳалламиздаги 40-давлат мактабгача таълим мусассасалари капитал таъмирланмоқда, 6,2 километрдан ортиқ ичкимлик суви тортиш ишларини олиб бормоқда.

Туманда дастурдан ташкири бюджетдан ташкири маблағлар хисобидан Болдири, Дўймон-сийоҳ маҳаллаларида 11 километрдан ортиқ ичкимлик суви тортиш ишларига кириши келиши, одамларнинг эртаги кунига бўлган ишончи ортишига хизмат килиади.

**Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ.**

### КУН ҲИКМАТИ

Фарзанднинг ҳар бир ютуғидан қувониш яхши, аммо унга маҳлиё бўлишдан тийилинг





